

3 МИЛЛИОН 288  
МИНГДАН ОРТИҚ  
МУРОЖААТ  
ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ



ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ  
ЯНГИ ИМКОНИАТ 6



ОЛАМЛАРНИ  
ҲАРАКАТГА ЧОРЛАГАН,  
ҲАЛҚИМИЗНИ  
УЙҒОТГАН ТАШАББУС 7



МАҲАЛЛА ТИББIIЙ ИСЛОҲОТЛАР  
МАРКАЗИДА БЎЛАДИ 8

# Маҳалла



www.xolisnazar.uz



@xolis\_nazar



@xolisnazar

ПАЙШАНБА, 31 МАРТ, 2022 ЙИЛ № 13 (2047)

## «БИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИМИЗ БИР, БУГУНГИ ОРЗУ- ИНТИЛИШЛАРИМИЗ ҲАМ МУШТАРАК»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан 29-30 март кунлари Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Президент Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари тор доирада музокаралар утказди.

Етақчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдилар. Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентларо, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди. Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашаркан, мамлакатларимизнинг позициялари ўхшаш эканини қайд этдилар.

Шундан сўнг Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Режеп Таййип Эрдоган Шавкат Мирзиёевга икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Туркияга ташриф билан келишни тақлиф этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг мамлакатимизга ташрифи доирасида яна бир муҳим воқеа – Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган рамзий тугмани босиб, Қибрай туманидаги иссиқлик электр станциясини ишга туширди ва Ховос туманидаги иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб берди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича Қўшма баёнот имзоладилар. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида халқларимизни Навруз байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриклади. Миллатларимизнинг тарихи бирлиги ва бугунги яқинлигига эътибор қаратди.

— Буюк ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашган юртларимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қаровон йўллари туташган хуудлар сифатида шуҳрат қозонган. Ҳозирда турк қардошларимиз биздан минглаб километр олисда яшаётган бўлсалар-да, тилларимиз ва дилларимиз ниҳоятда яқиндир. Бизнинг тарихий илдизларимиз бир, бугунги орзу-интилишларимиз ҳам муштарак, — деди Ўзбекистон Президенти.

30 март куни Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган Хивадаги Ичан қалъага ташриф буюрди. Давлат раҳбарлари хунармандлар, сайёҳлар билан самимий суҳбатлашди. Хоразмча қўшиқ ва рақслар ижроси барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Хиванинг давлатчилик ва илм-фан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Хиванинг давлатчилик ва илм-фан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг мамлакатимизга ташрифи якунланди.

Туркия Президентининг юртимизга ташрифи якунланганидан сўнг, давлатимиз раҳбари Хоразмда режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари тақдими билан танишди. Қурилиш ишларини бошқариш бўйича комиссия тузишга курсатма берди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

КҮН МАРЗУСИ



## ДАРАХТ – ТАБИАТ КЎРКИ ВА ДАРОМАД КАЛИТИ

Жорий йилнинг 2 февралда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида 1 мартдан «Яшил йиллик» умуммиллий тадбири бошланиши эълон қилинди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари: «Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитга эришиши керак. Бунинг учун биз табиатга эътибор беришимиз, фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш туттишимиз зарур», дея алоҳида таъкидлади.

«1000 ДОНА ТЕРАК 100 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД ДЕГАНИ»  
Куни кеча «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ва «Долзарб 40 кунлик» доирасида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида дарахт кўчатлари, терак ва топ новдаларини маҳаллаларга бепул тарқатиш тадбири бўлиб ўтди. Ушбу кўргазмали семинарда Шаҳрисабз шаҳри, Яққабоб, Китоб ва Шаҳрисабз туманлари ҳокимлари ва маҳалла раислари иштирок этди. Акциядан кўзланган асосий мақсад – маҳаллаларда ва таълим муассасаларида кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, яшил хуудлар майдонини кенгайтириш, ёшларни атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда фаоллиги ва масъулиятини янада ошириш, маҳаллалар хуудларини, аҳоли турар жойлари атрофини бундан-да кўркам кўринишга келтиришдан иборат.

Давоми 4-саҳифада.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

## ТАРИХ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК УЧРАШГАН МАНЗИЛ



Президентимиз раислигида жорий йил 1 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қиёфасини тубдан яхшилашга қаратилган кўплаб янги ташаббуслар илгари сурилиб, аниқ вазибалар белгилаб берилди. Бу нафақат маҳаллалар, балки юртимиз ҳаётига дахлдор тарихий воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ушбу соҳалар тараққиётида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Маҳаллалар билан янги асосда ишлаш, жамиятимиз файзи бўлган нуруний ва кексаларимизга муносиб эътибор кўрсатиш бўйича бундай ёндашув кўзланган натижани бериши, «инсон қадри учун» ғоясини тўла рўёбга чиқариши шубҳасиз. Эндиликда маҳалла институти зиммасига юкланаётган бири-бирдан муҳим вазибаларга мос равишда кенг ҳуқуқ ва ваколатлар, зарур моддий-техник имкониятлар яратиб берилмоқда. Маҳаллалар ҳаётнинг, ўзгариш ва ислохотларнинг энг қайноқ нуқтасига айланмоқда. Аҳоли муаммоларини комплекс ҳал этиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, жиноятчиликни камайтириш, ёш авлодлар сифатли таълим ва тарбия бериш каби кўплаб соҳа ва йўналишлар ривожига энг қуйи бугундан бошлаб жиддий эътибор қаратилади.

Давоми 2-3-саҳифаларда.

## ТАРИХ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК

«Фарзандларимиз тарбиясида нурунийларимизнинг билимлари ва ҳаётини тажрибасидан кенг фойдаланишимиз зарур»

## ҲАМИША

## ЭЪЗОУ ЭЪТИБОРДАСИЗ

Бу жараёнда кекса-нурунийларнинг ҳаётини тажрибаси ва билими муҳим ўрин тутди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Фарзандларимиз тарбиясида нурунийларимизнинг билимлари ва ҳаётини тажрибасидан кенг фойдаланишимиз зарур».

Шу маънода маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, «маҳаллабай» ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва узаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тузилди. Эндиликда нурунийлар тажрибасини ёшлар тарбияси учун боғча ёшидан қўллаш, уларга тўғри йўл кўрсатишимиз керак. Айни мана шу мантиққа асосланган маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизими ёшлар ҳаётининг барча босқичларини қамраб олган.

— Биз, нурунийлар Президентимизнинг сиёсатида камарбастамиз, — дейди **Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Шароф Убайдуллаев**. — Назаримда, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармони нафақат янги вазирлик тизимида, балки нурунийлар ҳаётида ҳам катта бурилиш ҳолати бўлди. Утган беш йилда биз, нурунийлар ҳаётида из қолдирган, мактобга сазовор жуда кўп ишлар қилинди, бироқ тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмади. Кекса авлод вакилларининг кучидан, фикридан, ҳаётини тажрибасидан янада кўпроқ фойдаланиш керак. Президент имзолаган фармон ва янги ташкил этилган вазирлик ана шу мақсадларни қўлга олиш билан ҳам янада аҳамиятлидир. Энди биз ҳар қандай масалада маҳалланинг ўзиде «маҳаллабай» ҳал этилишига ишонч ҳосил қилдик. Бундан буён маҳаллада ҳал бўлмаган нарсаси қолмайди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



қолган 20 мингта яқин оила яраштирилди. «Хар бир нуруний — ўн нафар ёшга мураббий» тамойили асосида нурунийлар тарбияси оғир, маънавий кумакка муҳтож ва уюшмаган ёшларга бириктирилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг «Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт даражаси ва ижтимоий фаолиятларини янада ошириш мақсадида уларга қатор имтиёзлар берилди. Умуман олганда, ижтимоий соҳага йўналтирилган қайси бир давлат дастурини олманг, унда кексаларга ғамхўрликнинг чинакам ифодаси акс этган.

«ТЎҚСОН ЁШЛИ НУРУНИЙДЕК ЭМАС, 9 ЁШЛИ БОЛАДЕК ЮГУРИБ КЕТГИМ КЕЛДИ...»

**УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ.** Тарих, бугун ва келажакни бирлаштира олган анжуман кексаку ёшнинг хотира зарварларида унутилмас кун бўлиши шубҳасиз. Сабаби — жонли тарих билан сузлашиш, уларни яқиндан таниш, биргаликда ҳамфикр бўлиш ёшлар учун катта тажриба ва ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади.

Кўклар нафаси кезиб юрган бугунги фарахбахш кунларда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида **Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фахрий устоз ва мураббийлар, мамлакат тараққиётига, бугунги тинч, осуда, доруломан кунларга тамал тоши қўйилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ёши улуглар, ёшлар бир дастурхон атрофида учрашди.**

Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейишади. Улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртамин эгаларини жам қилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликда бугундан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизнинг широкналикка йўғрилган суҳбатларига бой бўлди.

Тадбир Ўзбекистон Қаҳрамонлари, меҳнат фахрийларининг ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильм билан бошланди. Мазкур фильмда ҳар бир нурунийнинг машаққатли умри ва меҳнат йўллари ҳақида ҳикоя қилинди. Эқранда акс этган лавҳалар нурунийлар учун қўйилмаган ҳолат бўлди. Буни уларнинг юз-кўзидан, ҳаяжонларидан сезиш қийин эмас эди.

— Эллик йиллик меҳнат фаолиятимни фильм қилиб намойиш этишгандан ғоятда хурсандман, — дейди **термизлик меҳнат фахрийси Бозор Раҳмонов**. — Фильмни кўриб, очиги, тўқсон ёшли нурунийдек эмас, 9 ёшли боладек югуриб кетгим келди. Ёшлар сафиде меҳнат қилсам, уларга берилган имкониятлардан фойдалансам дейман. Қарангки, оддий бир деҳқон қилган ишларни давлат шунчалик эътиборга олибди, бундай мамлакатдан яшайдан бошқа бахт борми? Тўғриси, давлатимиз раҳбари томонидан биз, кекса авлод вакилларига

кўрсатилаётган ғамхўрликни кўриб, ҳис этиб, ислохотларда фаол иштирок этишни ҳам бурчимиз, ҳам вазифамиз деб биламиз.

...Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор, АКШ офтальмологлар академиясининг халқаро аъзоси, Кембриж илмий маркази олтин медали соҳиби, олий тоифадаги офтальмолог-хирург Раҳмон Муҳаммадиев ўзи учун аталган фильмни тик турган ҳолда томоша қилди, ўзининг ҳис-туйғулар, қуввончу миннатдорлигини яширмади.

— Нурунийларга кўрсатилаётган бундай юксак ғамхўрлик биз, фахрийларга куч-қувват баҳи этиб, умримизга умр қўшади, — дейди **Раҳмон Муҳаммадиев**. — Шу ўринда Президентимиз томонидан тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтишим керак. Ахир ўзингиз ўйланг, туман даражасида, Термиз шароитида буирак трансплантацияси еки юрак операциялари ўтказилишини кимдир ўйлаганими? Ишқ, буни ҳаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Бугун эса буни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Биз тиббиёт ходимлари Президентимиз ёнида камарбаста бўлиб, амалга оширилиши лозим бўлган ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашишга бор куч-ғайратимизни сарф этамиз.

Сурхон элида меҳнатсеварлик ва ўзига талабчанлик намунаси сифатида ўрнак бўлиб келатган меҳнат фахрийси Абдусаттор Қурбонов ҳақидаги лавҳалар йиғилганларнинг руҳиятига, қалб туйғуларига таъсир қилмасдан қолмади.

— Кексалик бекорчилик эмас, балки энг масъулиятли давр эканини ҳис этган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни халққа тўғри, халқона тушунтиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди **Абдусаттор Қурбонов**. — Бугунги тадбирда айтилган фикрларни эшитиб, янги вазирлигимизнинг бевосита нурунийлар билан боғлиқ бўлгани зиммамиздаги масъулият юкни яна бир бор чуқур англади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир кекса нурунийга куч-ғайрат, шижоат бағишлайди. Биз бор кучимиз билан юртимиз равнақи йўлида хизмат қилишда давом этиб, ёш авлодга ўрнак бўлишдан мамнунмиз. Ёшларга айтар сўзим: ўқинг, изланг, меҳнат қилинг, ҳалол бўлинг — шунинг ўзи сизларни катта марраларга элтади.

Ёш авлод вакиллари нафақат ҳозирги қаҳрамонларни, балки бугун орамизда бўлмас-да, яқин ўтмишда ўтган фидойилар ҳақида ҳам билиши лозим.



Учрашув иштирокчиларига умри давомида вилоятнинг ҳар томонлама ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган беш нафар меҳнат фахрийлари — Мурод ва Абдулла Ҳужақуловлар, Дўстмуҳаммад Отарбоев, Стефан Богма, Михаил Еремеевлар ҳақидаги фильмлар ҳам намойиш этилди.

Ҳа, қаҳрамон инсонларнинг умр йўлига боқиб, ҳар соҳада пешқадам ва етук шахс бўлишга илхом олади киши. Мазкур фильмлар ёшлар учун катта мактаб вазифасини ўтаб берди. Даврадаги самимий ва дилкаш суҳбатлар, катта ҳаёт тажрибасига эга ёши улуглар билан мулоқотлардан тўлқинланган ёш етакчилар ҳам ўзининг дил сузларини яширмади.

— Интилиш ва изланишлар ҳар доим ўз натижасини кўрсатади, — дейди **термизлик Маълуда Норматова**. — Бу ҳаракатларни эса ажодлар мероси, уларнинг бой тажрибаси билан бевосита бирлаштириш муваффақият гарови. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун эса биз, ёшлар учун нафақат ўтқир эҳён ва ақл, замонавий билимлар, балки кекса авлод вакилларининг катта ҳаёт мактабидан олган сабоқлари, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат, Ватанга бўлган муҳаббатни сарф қилган бўлиб, юртимиздаги ўзгартирилган даврдорлик ҳисси билан яшаш ҳам талаб этилади. «Уч авлод учрашувлари» ана шундай вазифасини ўтаб бераётганига яна бир бор амин бўлдик.

## КЕКСАЛАР ТАЖРИБАСИ УЛКАН ҲАЁТ МАКТАБИ

Фахр билан айтиш мумкинки, биз ҳар бир ишда катталар маслағига таянадиган, кичик бир оилавий зиёфатдан тортиб, тўйларгача давраларимиз турини нурунийларимизсиз тасаввур эта олмайдиган миллат вакилларимиз. Шундай экан, кексаларга бўлган чексиз ҳурматимиз, улар олдидаги битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз бизни улар дуосини олишга, уларни рози қилишга ундайверади. Бунинг яна бир ҳикмати шундаки, фарзандларимиз ҳам ўз-ўзидан бу анъананинг давомчиларига айлибди, кексалар дуосининг олтиндан қиммат эканини англаб боришади. Шунинг учун ҳам элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнайверади.

**Айни жиҳатлар Сурхондарё вилоятининг олис ҳудудларидан бири бўлган Сариосиё туманида жойлашган ҳарбий**

қисмда ташкил этилган навбатдаги «Уч авлод учрашуви»да ҳам ўз аксини топди.

Ислохотлар ривож, тараққиёт суръати авлодлар ўртасидаги узаро боғлиқ эгуришларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур учрашувда ҳам воҳалик меҳнат фахрийлари, нуруний отахон-онахонлар, ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчилар бир сафда жамланди.

Кексалар тажрибаси ёшлар учун ҳаёт мактаби. Айниқса, уларнинг қимматли панду насихатлари, ҳаёт сабоқлари йигит-қизларнинг шижоати билан бирлаша, жамиятни ривожлантирувчи кучга айланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир».

Тадбир аввалида дастлаб нурунийлар ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шинам ва ёруғ кутубхона фаолияти, буюк саркардалар Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳикоя қилувчи машғулот хонаси ва бошқа замон талабларига мос жиҳозланган ўқув биноларини кўздан кечиришди. Ҳарбий хизматчилар томонидан курғазмали чиқишлар намойиш этилди.

«Уч авлод учрашуви» ҳарбий қисмининг маънавий марказида давом этди. Унда сўз олган нурунийлар ўзларининг ҳаётини тажрибаси ва қасбий фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Ёшларга бугунги тинч-осойишта кунларга осонликча яратилган шароит ва имкониятлардан тула фойдаланган ҳолда, Ватанимиз тараққиёти учун ҳисса қўшиш бугунги авлоднинг муқаддас бурчи эканини таъкидлади.

Тадбир доирасида нурунийлар ҳарбий қисмда ташкил этилган иссиқхона фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Бу ерда етиштирилаётган қўчат ва ниҳоллар парвариши бўйича кераклик маслаҳатларни беришди. Бундан ташқари, спортсевар отахонлар томонидан от спорти ва арқон тортиш бўйича маҳорат дарслари ўтилди. Учрашув якунида маҳаллаларда ёшларга панд-насихатлари билан тарбия бериб келатган бир гуруҳ фаол кексалар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Ёш авлод вакиллари нафақат ҳозирги қаҳрамонларни, балки бугун орамизда бўлмас-да, яқин ўтмишда ўтган фидойилар ҳақида ҳам билиши лозим.

Шу ўринда ўтган қисқа даврда кекса авлод вакилларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганини қайд этиб ўтиш ўринли, албатта.

Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нурунийларнинг ижтимоий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «**Фахрий мураббий**» ордени ва «**Меҳнат фахрийси**» кўкрак нишони таъсис этилди. Кекса авлод вакиллари учун 152 та туман ва шаҳарда «**Нурунийлар масканлари**» ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тулаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда Нурунийлар жамоатчилиги кенгашлири, маҳаллаларда «**Кексалар маслаҳати**» ва «**Бувижонлар мактаби**» гуруҳлари ташкил этилди, «**Уч авлод учрашуви**», «**Кексалар ҳафталиги**», «**Кексалар учун туризм ойлиги**» ни ўтказиш анъанага айланди.

Барча мактабларда «**Нурунийлар тарбиявий соати**» ташкил этилди, ажралишларнинг олдини олиш бўйича «**Онахонлар угитлари**» мавзусида учрашувлар ўтказилди, натижада биргана ўтган йили ажралиш ёқасига келиб



Бугунги дорилонмон кунларга шукрона айтиш, мана шундай давр, давлат ва Президентни қадрлашга ундайдиган мисоллар талайгина.

Мустақиллик йилларида биргина Қашқадарё вилоятдан 8 нафар замондошимиз Ўзбекистон Қаҳрамони дея эътироф этилди.

## УЧРАШГАН МАНЗИЛ

«Фарзандларимиз тарбиясида нурунийларимизнинг билимлари ва ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланишимиз зарур»



### БОРЛИГИНГИЗ ҲАМ КАТТА БАХТ

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қари билганни пари билмас» деган мақоллар бор. Улар замиридаги маъно шуки, кексалик умр дарахтининг ҳар жиҳатдан вояга етган, ҳосили пишиб етилган, биргина соясининг ўзи минг дардга даво. Ҳар бир сузи минг маънога эга фаслидир. Кексалари бор уйда кут-барақа, тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик бўлиши ҳам шундан. Умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган, солиҳ фарзандлар тарбиялаб етиштирган, ўзидан ибратли амаллар қолдираётган бундай инсонлар билан мулоқот қилишнинг ўзи катта бахт.

Бу қадрият ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИнинг Қарши шаҳрида «Инсон қадри учун» ғояси асосида ташкил этилган «Инсон азиз...» номли маърифий тадбирда яна буй кўрсатди. Вилоят равнақи учун муносиб ҳисса қўшган, ўз умрини эл-юрт фаровонлигига сафарбар этган, Қашқадарёда турли йилларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган ва бугун орамизда бўлмасда-да, авлодларга маънан, руҳан ёрдам бераётган қаҳрамонларимиз хотираси уларнинг издошлари, яқинлари, фарзандлари, қадрдонлари иштирокида ёдга олинди.

Дарҳақиқат, хонадонда кекса киши бўлган барчада бир одаг бор: ҳар тонг ишга ё бошқа юмушга отланганда, уларнинг олдида бир бор ўтилади. Нурунийларнинг дуосини олишга ошиқилади. «Ишларинг бароридан келсин, соғ-саломат юргин. Яратган ўз паноҳида асрасин!», дея қўйилган дуо кун давомида қайфиятимизни кутариб, эзгу ниятлар сари руҳий далда беради. Қолаверса, кексалар дуоси билан бошланган иш хайрили бўлади. Шундан бўлса керакки, халқимизда кексаларга ҳурмат-эътиборда бўлиш, уларни эъзозлаш юксак қадрият тусини олган.



Фарзандлар камоли — юрт қудратини, аёлларга муносибат — маданиятимиз даражасини, кексаларга ҳурмат ва эътибор эса маънавиятимиз истиқболини белгилайди. Кексалар ибратини олган инсон ҳаётда адашмайди, ўз мақсадлари сари интилади.

Кекса маслаҳат берса, узоқни кўзлайди, дуоси орқали эл-юрт тинчлиги, меҳр-муҳаббати, дастурхон кут-баракасио ешлар камолотини ният қилади. Қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барақа бор. Бундай хонадонни Аллоҳнинг ўзи асрайди.

Шу фикрларга ҳамоҳанг ҳолда давлатимиз томонидан кексаларни эъзозлаш,



ижтимоий муҳофазалаш борасида юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, пенсия ва нафақалар муттасил ошириб борилаётган, кексаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, уларнинг саломатлигини тиклаш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Айниқса, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни белгиланган муддатларда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, ўз вақтида соғломлаштириш, хонадонларда тиббий-патронаж ишларини юқори савияда ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганидан уларнинг кўнгли шод.

### ДУОИНГИЗ КҮНГИЛА НУР БЕРАДИ

Президентимиз таъкидлаганидек, «Нурунийлар дуои фотиҳалари билан ҳамиша йўлимизни очиб беради, биз улардан доим ўрнак оламиз. Бобо-бувиларимиз қадди-қомати тик, бардам-бақувват бўлиб юрса, ҳаётимиз янада файзли ва фаровон бўлади».

Еши улугъ отахон ва онахонлар билан суҳбатлашар экансиз, улар тилидан тушмаётган шукроналик, эл-юртга тинчлик-омонлик, элга тўкин-сочинлик тилаб қилинаётган дуолардан кўнгилда ёрут туйғулар уйғонади. Ҳаётнинг не-не сир-синоатларини кутилган-кутилмаган қийинчиликларига дош бериб, ёруғ кунларга ишончларини сусайтирмай яшаган бундай инсонларнинг ибратли умр йўли нафақат уларнинг ўғил-қизларига, балки бугун катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган барча ёшларга сабоқ бўлишига арзийди.

— Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларга эътибор берсангиз, янгиликлар шиддати ва тараққиёт одимидан вақт тезлашгандек туюлади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова. — Шу қисқа даврда иш-лаб ечимини кутиб турган муаммолар барҳам топаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Катта марралар олиниб, одамларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган дастурлар амалга оширилаётганини кузатамиз. Ижтимоий-иқтисодий, қурилиш, илм-фан, хизмат кўрсатиш, маънавий-маърифий ва бошқа барча соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Эндилда бугунги ҳаёт билан ўтмишдаги шароитларни

таққослаб, эришилаётган ютуқларимиз ортида турган фидокорона меҳнатлар қадрига етишимиз зарур. Бу жараёнда биз, кекса авлод вакиллари ёшларга ибрат бўлиб, тинч, обод Ватанимизга муносиб ўғил-қизларни тарбиялашимиз керак. Мазкур учрашув ҳам ана шундай улугъор мақсадларга йўналтирилгани билан ёш катта иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

### КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг ўзаги сифатида «Инсон қадри учун» деган эзгу ғоя илгари сурилмоқда. Инсон қадрини улуглаш деганда, нафақат бугунги ватандош ва замондошларимизни, балки Ўзбекистон тараққиёти учун ўз вақтида қўллаб-қўллаш зарур бўлган давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар ва ўз соҳасининг етуқ билимдонларини улуглаш назарда тутилган.

Уч авлод учрашувида Қашқадарёнинг фидоий уюлларни фахр билан эслаб ўтилар экан, тадбирда қатнашган 102 ёшни қаршилаган Саъдулла бобо Жабборовнинг хизматлари алоҳида эътироф этилди. Нуруний отахон Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. Урушдан сўнг тугилиб ўсган юрти — Шахрисабзга қайтиб, жамоа ҳужалигида ишлайди. Табелчилик қилади, бригадани бошқаради. Урушдан ногирон бўлиб қайтганига қарамай, ўзини аямай ишлади. У бошлиқ бригада эришган юқори кўрсаткичлари билан вилоятда танилди. Қарши чўлини ўзлаштиришда фаол иштирок этди.

Бу юксак меҳнатлари учун кўксини бир неча орден ва медаллар безаб турган Саъдулло бобо Жабборов бугун эъзоз эътиборда. У маҳаллада ёшларнинг маслаҳатгўйи, оилалар муаммоларини ҳал қилувчи кайвони.

— Ёнимга ёшлар, ўқувчилар, журналистлар тез-тез хабар олиб келиб туришадди, — дейди Саъдулла бобо Жаббаров. — Улар ўтган умрим ҳақида қанча сузла дейишса, шунча гапириб берарман. Чунки ҳаётимда хулоса олиш, бугунги дорилонмон кунларга шукрона айтиш, мана шундай давр, давлат ва Президентни қадрлашга ундайдиган мисоллар талайгина. Менинг азоб-уқубатга тула ёшигим қанчалик сизлар учун чўтқак

бўлса, мен учун сизларнинг поёни йўқ, ҳадсиз имкониятларингиз шунчалик орзу. Буни тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Болалигимда укамни кўтариб мактаб дарзасидан синфхонамизга мўлтираб турганимни ҳеч унутолмайман. Ушанда нега ҳаммасига қўл силтаб, ўқийвермадим-а, деб армон қиламан. Бугун 102 ёшга кирган бобонгиз сифатида айтаман: шунча машаққату қийинчилик кўриб ҳам мен шунча улугъ ёшга етдим. Шунча имкониятлар, фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик ва бахту бекамлик билан сизлар, албатта, мёндан ҳам кўп умр кўрасизлар. Мен бунга ишонаман.

### НАСИХАТГҲЙ НУРУНИЙЛАРИ БОР ЭЛПА КҲТ-БАРАҚА ЕҒИЛАДИ

Халқимиз йўл созлаган, кўприк қўрган, боб яратган инсонларнинг умри савобга йўғрилади, уларнинг ҳаёти бу дунёда ўтиб кетса ҳам давом этаверади, дейди ва ҳамиша бундай инсонларга, уларнинг ҳаёт йўлига эҳтиром билан қарайди. Шу маънода учрашувда вилоят равнақи учун тинимсиз меҳнат қилган Раҳмонкул Қурбонов, Карол Маҳмудов, Бекмурод Элбоев, Рўзмағ Ғойибов, Чўли Бегимқулов каби инсонлар ёд этилди. Бекмурод Усмонов, Муҳаммади Рўзиев, Хурсанд Тошев, Комил Амиров каби сувчиларнинг моҳирлиги, тиним билмай қилган меҳнатлари эъзозга қишлоқ, маҳаллаларга сув етиб боргани, боғлар, токзор узумзорлар барпо этилгани эътироф этилди. Уларнинг ҳаёт йўли ҳақида фильмлар намойиш этилди.

1968 йилда Қашқадарё вилоятига биринчи раҳбар бўлиб ишга келган Рўзмағ Ғойпов ҳақида гап кетганда, суҳбатдошларнинг ҳаммаси ўзини сергак тутди, чунки у киши вилоят фаоллари қалбидан жой олган инсон эди. Рўзмағ Ғойпов қабулига келган ҳар бир инсонга ҳурмат, илиқлик билан қарарди. Шу боис вилоятдаги ҳар бир фуқаронинг Р.Ғойповга нисбатан ҳурмат ва эҳтироми жуда катта эди. У киши вилоятга узок йиллар раҳбар бўлиб, жуда катта ишларни амалга оширди, қўллаб-қўрилишларга бош-қош бўлди.

Масалан, узунлиги 80 километр бўлган Қарши магистраль канали ва Самарқанддаги Дарғом дарёсидан Қашқадарёга қазиб олиб келинган Эски анхор (Москва) каналининг қурилиши,

вилоятда пахта хирмонининг 90-110 минг тоннадан 650 минг тоннага кўтарилиши, Қарши шаҳридаги Муллағўйчи Тошмухамедов номидаги мусиқали драма театри, кўп тармоқли болалар шифохонаси, «Меҳнат» футбол стадиони, «Санам» фабрикасидан Ғузор йўлигача бўлган очиқ майдонда қурилган кўплаб аҳоли тураржойлари ва инфратузилма объектларининг бунёд этилиши бевосита Р.Ғойпов номи билан боғланади.

Қолаверса, у киши раҳбарлик қилган даврда Қарши шаҳридаги 7 та митти туман, 1970 йилда Ульянов (1977 йил апрель ойида Ульянов ва Усмонов Юсуфов туманларига бўлинди), 1971 йилда Дехқонобод, 1975 йилда Нишон, 1978 йилда Муборак, 1979 йилда Бахористон, 1981 йилда Кўкдала ва Талимжаржон туманлари тузилди, вилоятнинг чўл зоналаридан 228 минг гектар ер майдони ўзлаштирилиб, 54 та замонавий «совхоз»лар ташкил этилди. Замонавий «совхоз»ларнинг барчасида ишчилар учун яшаш уйлари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, тиббий марказлар, спорт иншоотлари ва стадионлар, кино театрлар ва кўплаб инфратузилма объектлари қурилди.

— Мустақиллик йилларида биргина Қашқадарё вилоятининг 8 нафар замондошимиз Ўзбекистон Қаҳрамони дея эътироф этилди, — дейди Қашқадарё вилоят ҳокими вазиқасини бажарувчи Муратжон Азимов. — Бу каби меҳнатсевар инсонларнинг қаҳрамонлик фазилатлари, халқтарварлик хислатларини ёш авлодга ўргатиш ва уларга муносиб авлод бўлишга чорлаш бизнинг қарзимиз ва фарзимиздир. Бугунги тадбирда ёш авлод вакиллари ҳам қатнашадди. Тинч ва ошуда кунларнинг қадрини теран англаш, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган азиз инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрганиш ва уларга эргалиши ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган тавсия ва кўрсатмалар асосида ёши улугъ инсонларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатилиши яна бир янги босқичда намоён бўлиб, бу каби уч авлод учрашувлари тарзидаги маънавий-маърифий тадбирлар вилоятимизнинг барча гушаларида, таълим масканлари, маҳалла ва чекка қишлоқларимизда ҳам давом этади.

Ҳа, кексаларни эъзозлашдек инсонларнинг замирида улкан маъно-мазмун мужассам. Зеро, фарзандлар камоли — юрт қудратини, аёлларга муносибат — маданиятимиз даражасини, кексаларга ҳурмат ва эътибор эса маънавиятимиз истиқболини белгилайди. Кексалар ибратини олган инсон ҳаётда адашмайди, ўз мақсадлари сари интилади. Зотан, насихатгўй нурунийлари бор элга кут-барақа еғилади.

Байрам тантаналари вилоят санъат усталари иштирокидаги катта концерт дастурига улашиб кетди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхон Худойбергенов иштирок этди.

Қўшсаҳифани Санжар ИСМАТОВ, Шоҳиса БОЗОРОВА тайёрлади.

# ДАРАХТ – ТАБИАТ КЎРКИ ВА ДАРОМАД КАЛИТИ

«Яшил макон» умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савобли ишни ҳавас билан бажариш керак»



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Семинарда Шахрисабз туман ҳокимлиги томонидан 85 минг 600 тупдан ортиқ мевали ва манзара-ли дарахт кўчатлари, тол, терак ва атиргул қаламчалари олиб келиниб, тумандаги 57 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларга, кўчаларга ҳамда ижтимоий соҳа объектлари – мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ховлиларига, бўш турган майдонларга экиш учун тарқатиб берилди.

– Бундан бир неча йиллар аввал терак қаламчаларини экиб, мўмайгина даромад олиш ташаббусига кўл урилганди, – дейди шахрисабзлик уқитувчи Шарофиддин Зайниддинов. – Ушанда мактабимизда терак қаламчаларини ўтқазгандик. Бу ортиқча харажат талаб қилмайдди, фақат экилган кўчатлар меҳр ва эътибор билан парвариш қилинса kifоя. 3-4 йилда Калифорния кўчатидан миллион-миллион даромад олганмиз. Даромадига автомашина ҳам сотиб олганмиз. Шундан келиб чиқиб айтаманки, Президентимизнинг бу ташаббуси ниҳоятда хайрли ва, албатта, ўз натижасини беради.

Семинарда дарахт экиш борасида янги услублардан фойдаланиш бўйича амалий курсатма ва маълумотлар берилди. Ушбу тадбир яшил майдонларни кенгайтириш, дарахтлар экиш, парваришlash, яшил майдонларнинг экологик ва инсон саломатлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатларга бағишлангани билан аҳамиятли бўлди.

– «Яшил макон» умуммиллий тадбири доирасида аҳолига томорқа ер майдонларида терак экиб, даромад олиш тушунтириб бориляпти, – дейди ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

раиси ўринбосари Ғолиб Курбонов. – Яна ўн кун вақтимиз бор. Вақт ғанимат. Агар шу вақт давомида фидоийлик билан меҳнат қилиб, маҳаллалар кесимида ҳар бир одам ўзига тегишли ҳудудларга терак қаламчаларини тайёрлаб экадиган бўлса, катта мақсадга эришамиз. Чунки бу катта даромад манбаидир. Ҳозир оддий терак қаламчасининг бир донаси 100-200 сўмдан бўлса, кейинги йил 2000 сўмдан кўчат қилиб сотишингиз мумкин. Бозорга олиб чиқсангиз, тайёр пул, ҳовлингизда қолса, 4-5 йилда тайёр ёғоч бўлади, даромади ҳам ортади. Битта терак дарахти 100 минг сўм бўлса, 1000 дона терак бўлса, ҳеч қачон камбағал бўлмаймиз. 1000 та теракни 100 минг сўмдан сотсангиз, 100 млн. сўм пул дегани. Фақат кунт билан меҳнат қилсак бас.

**Маълумот учун:** Қашқадарё вилоятида баҳор ойларида 10 миллион 222 минг дона дарахт ва бута экиш белгиланган бўлиб, бугунгача 6 миллион 772 минг дона кўчатлар экилди.

**«МАҲАЛЛА РАИСИ ҲАМ ИСЛОҲОТЧИ, ҲАМ ТАДБИРКОР БЎЛИШИ КЕРАК»**

Вилоятда экилган ҳар бир терак кўчати ва қаламчаларининг парвариш қилиниши тизимли назорат қилиб борилади. Жумладан, автомобиль йўли бўйларида жойлашган 400 дан зиёд фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда 2300 нафардан ортиқ жисмоний шахсларга терак кўчати ва қаламчалар экилган майдонларнинг 1-2 километр қисми вақтинча фойдаланиш учун берилди.

– Терак чиканагини (қаламча) экаётганда бир нарсага аҳамият бериш

керак: тепадаги битта куртакни қолдириб, қолгани ерга қўйилса, улارнинг ҳаммаси томирга айланади, – дейди Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосар Содиқжон Турдиев. – Томир кўп бўлса, ердан кўпроқ қувват олиб, усини янада тезлашади. Чиканақларни экиб қўйиш билан кўчат бўлди, деб бўлмайди. Унга ўз вақтида ишлов бериб, ҳар бир шохларни бутаб туриш керак. Бир сотиҳ ерга минг донагача қаламча қадаб ўстириш мумкин. Агар мана шу қаламчалар 100 сўмга тушса, бир йилда яхши парвариш қиладиган бўлсангиз, 4-5 метр, ҳеч бўлмаганда, 3-4 метр бўлади. Бугун 3-4 метрлик кўчатлар 5 минг бўлса, фойдани ҳисоблайверинг энди.

Бунинг учун маҳалла раиси ҳам ислохотчи, ҳам тадбиркор бўлиши керак. Унутмаслик керакки, бўлса бўлар, бўлмаса бўлмас, деб ишлайдиган вақт ўтиб кетди. Энди у ким бўлишидан қатъи назар – маҳалла раисими, ҳоқим ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаолими, ҳар бир инсонни рози қилиш учун ёниб ишлаши керак. Мана шундай жонкуяр маҳалла раислари 30 сотиҳ ёки 1 гектар ерга терак қаламчаларини экса, маҳалланинг даромади ҳам ошади. Бунинг учун эскилган чиканақларни далолатнома асосида маҳалланинг тасарруфига олиш лозим. Шунда эртага терак сизники бўлади. Энг муҳими, сиз уларни катта терак қилмайсиз, баҳорда кўчириб туриб, кейинги баҳорда сотиб юборасиз. Мана шу тарзда даромаднинг кўпаяди. Эртага маҳаллангизда иккита одам касал бўлса, хол-аҳвол сўраб чиқишга қурбингиз етадиган бўлади. Натижада аҳоли орасида ҳурматингиз ҳам ошади.

**813 ТА МАҲАЛЛА ҲУДУДИ ЯШИЛЛИККА БУРКАНАДИ**

Қарши шаҳрида ҳам оммавий равишда ташкил этилган дарахт кўчатлари, терак ва тол новдаларини маҳаллаларга бепул тарқатиш тадбирида вилоятдаги барча қоржона, ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, нурунийлар, ёшлар, маҳалла аҳолиси ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирок этди. Акция доирасида 200 мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва бир миллион донага яқин терак ва тол қаламчалари шаҳардаги 64 та маҳаллага бепул етказиб берилди.

– Шу кунларда вилоятимиз бўйлаб «Яшил макон» тадбирлари қизғин давом этмоқда, – дейди вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Турсунов. – Умумхалқ ишига айланган кўчат ўтказиши ва уларни парваришlash борасидаги кенг кўламли юмушлар пировардида вилоятимиздаги 813 та маҳалла ҳудудларига чинакам яшиллик бағишлаб, экологик софликни таъминlashга ҳисса қўйиши табиий. Аспида, ҳар йили масвумда миллионлаб дарахт кўчатлари экилгани ҳақида бонг урганмиз, катта рақамларни ҳисоботларда акс эттирганмиз. Энди кўчат экиш ишлари тўғри ташкил этилади, экил-

ган кўчатларни парваришлайдиган, ҳудуд иқлимига мос дарахт кўчатларини ўтқазадиган эгаси бўлади ва барча экилган кўчатлар хатловдан ўтказилади.

Тадбирда мутахассислар ва кўп йиллик боғбонлар кўчат экиш ва парваришlash борасида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

Айтиш керакки, яқин уч йил ичида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятида умумий майдони 90 гектарга тенг «яшил боғлар» ҳамда 87 гектарда «яшил жамоат парклари» барпо этилади. 2022-2024 йилларда вилоятнинг ҳар бир туманида 3 гектардан 15 гектаргача бўлган майдонда «яшил боғлар» вужудга келади. Уларни барпо этиш учун вилоят бўйича умумий ҳисобда 4,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ, жумладан, кўчат экиш билан боғлиқ харажатларга 3 миллиард 150 миллион сўм, томчилатиб сўғориш тизимини жорий этишга эса 1 миллиард 418 миллион сўм сарфланади.

Жорий йилнинг ўзидаёқ вилоятда 37,8 гектар «яшил боғлар» пайдо бўлса, шундан энг катта майдонлар Косон (6 гектар), Қамаш (4,8 гектар), Нишон, Қарши ва Яққабоб (4 гектардан) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

«Яшидан боғ қолади», дейди халқимиз. Бутун қадалаётган ҳар битта ниҳол эртанги кунда фарзандларимиз, келажак авлод учун ҳам файзли боғ-роғ, ҳам ибрат маскани сифатида қолиши, ҳаво мусоффолиги учун улуш бўлиб қўшилади.

**Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхон Худайбергенов, Қашқадарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Муротжон Муротжон иштирок этди.**

ҚУЛАЙЛИК

## Янги бино фойдаланишга топширилди

Қарши шаҳридаги «Кунчиқар» маҳалла фуқаролар йиғини янги биносининг фойдаланишга топширилиши катта тантананага айланиб кетди. Унда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этди.



Мазкур маҳалла биноси анча йиллардан буён таъмирланмаган, эски кўринишда эди. Зайниддин Саломов бошчилигидаги 1-сонли қурилиш ташкилоти томонидан барпо этилган янги бинода эса барча шароитлар яратилган. Жумладан, маҳалла раиси, ҳоқим ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд. Уларнинг ҳар бири замонавий моддий-техника воситалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Янги мажмуа бундай комплекс ёндашув асосида бунёд этилганида катта рамзий маъно бор, албатта. Эро, Президентимиз ташаббуси билан маҳаллада ўзига хос яхлит тизим яратилди. Бундан буён ҳоким ёрдамчиси – камбағалликни қисқарттириш ва янги иш ўринлари яратишга, ёшлар етакчиси – ёшлар сиёсатига, хотин-қизлар фаоли

– аёллар масаласи ва уларнинг дарду-ташвиши билан ишлашга, профилактика инспектори – «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини ҳаётга жорий этишга жавоб беради. Маҳалла раиси эса, ўз навбатида, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва маҳаллада ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашни таъминлайди. – Айни пайтда маҳалламизда 1049 та хонадон, 1870 та оила мавжуд бўлиб, уларда 4083 нафар аҳоли яшайди, – дейди маҳалла раиси Шодиой Мансурова. – Маҳалламиз 2019 йилда «Обод маҳалла» дастури доирасида ўзгача қиёфа касб этган. Жумладан, аҳолини бир неча йиллардан бери қийнаб келатган ичимлик суви муаммоси ҳал этилган, оқова сув тизими яшилганган. Шунингдек, 420 ўринли 41-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ҳамда 1 та хусусий

мактаб қад ростлади. Давлат-хусусий шериклик асосида 155 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилган бўлса, 75 ўринли мактабгача таълим ташкилоти капитал таъмирланган. Эндиланда янги қуриб берилган маҳалла идораси биноси ҳам келгуси фаолиятимизнинг янада самарали бўлишини таъминлаши шубҳасиз.

Очилиш тадбирида иштирок этган маҳалла нурунийлари ва меҳмонлар ушбу масканинг худуд аҳолиси учун жуда муҳим эканини ҳамда бу орқали одамларга қатор қулайликлар яратилганини алоҳида қайд этиб ўтишди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхон Худайбергенов, Қашқадарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Муротжон Азимов иштирок этди.

Саҳифани Шоҳиста БОЗОРОВА тайёрлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар қанча оғир, мураккаб бўлмасин, валюта бозори либераллаштирилди.

Масъул идоралар, ҳомийлар ва аҳоли кўмагида замонавий идорага эга бўлди.

## 3 МИЛЛИОН 288 МИНГДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ



Бугун пластик картадаги маблағни барчамиз ҳеч бир муаммосиз нақд қилиб оламиз. Бунга кўникиб ҳам улгурдик. Ваҳоланки, беш йил аввал ойлик, нафақа, пенсия ёки стипендия ҳисобига кун кечирадиган инсонларнинг қўли деярли пул кўрмасди. Ишлайдиган банкоматнинг ўзи йўқ эди. Энг ёмони, бозор ё дуконда пластик карта орқали маҳсулот харид қилмоқчи бўлган одам 15-20 фоиз қиммат тўлашига тўғри келарди.

Давлатимиз раҳбари халқ билан мулоқот тизимига асос солгач, дастлабки беш ойнинг ўзида Президент виртуал қабулхонасига бу масалада келиб тушган 7 мингдан ортиқ шикоятлар таҳлил қилинди, ўрганилди ва албатта мазкур соҳа ислоҳ этилди. Натижада мамлакатимизда нарх-навонинг нақд пул ва нақд пулсиз шакли ўртасида фарқ қолмади. Шу боис 2018-2021 йилларда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига пенсия ҳамда бошқа ижтимоий нафақалар одамлар розилигисиз пластик карточкага тўлиқ ўтказиб юборилётгани ҳақида деярли мурожаат келиб тушмади.


Албатта, бу – Халқ қабулхоналари институти амалда бераётган натижаларга биргина мисол, ҳолос. Халқ билан мулоқотнинг бу ноёб тизими туфайли мурожаатлар билан ишлаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ҳар бир юрдошимиз ва хорижлик фуқаролар учун бевосита давлат раҳбарига мурожаат этиш имконияти пайдо бўлди.

2017-2021 йилларда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган 5 миллион 780 мингдан зиёд мурожаатлар қўриб чиқилди, шундан 3 миллион 288 мингдан

ортиги қаноатлантирилди. Мурожаатларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва қонуний ўрганиб чиқиши натижасида уларни қаноатлантириш даражаси ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Хусусан, бу кўрсаткич 2017 йилда 47,5 фоиз, 2018 йилда – 53,9, 2019 йилда – 60,9, 2020 йилда 60,4 фоиз бўлса, 2021 йили 86,7 фоизни ташкил этди. Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида эса наинки бир киши, балки бир қанча оилалар тақдиридаги ўзгаришлар мужассам.

Мурожаатлар таҳлили дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини шакллантиришга асос бўла бошлади. Мурожаатлар таҳлили асосида сўнгги беш йилда чегаралар очилиши, яқин кўшничлик алоқалари тикланиши, фуқаролик, прописка тизимлари, афв этиш, пенсия, валюта сиёсатини ислоҳ қилиш, бузиладиган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатлар халқнинг давлатдан рози бўлишига, тизимли муаммолар ҳал қилинишига хизмат қилди.



Халқ қабулхоналари халқ овозини ифода этадиган жамоатчилик назоратининг ўзагига, халқ назорати механизмига айланмоқда. Одамлар розилигини эса фақат ва фақат амалий ишлар билан қозониш мумкин.

Лазиз МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси мутахассиси.



Қатор масалалар бўйича мурожаатлар деярли барҳам топган бўлса, ўнлаб соҳалар бўйича сони кескин камайди.

Яна бир масала – фуқаролик олиш масаласида ҳам кўплаб аризалар келиб тушарди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон фуқаролигини олиш тартиблари энгиллаштирилгани эса шу масалада мурожаат қилган 100 мингдан зиёд оилаларни рози қилиш имконини берди.

Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари иш бошлаганда, валюта конвертацияси бўйича жуда кўплаб шикоятлар келиб тушарди. Чунки узоқ вақт Ўзбекистонда валютанинг эркин конвертацияси бўлмагани аҳолига, айниқса, тадбиркорларга катта қийинчилик туғдирган. Бу борадаги мурожаатлар таҳлилидан сўнг давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар қанча оғир, мураккаб бўлмасин, валюта бозори либераллаштирилди. Конвертациянинг йўқлигига боғланган иқтисодийнинг эски моделидан бутунлай воз кечилди. Натижада, валюта конвертацияси бўйича 2017 йилда 22 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич 2018

йилда 124 тани, 2019 йили 156 тани, 2020 йилда 101 тани, 2021 йилда эса 33 тани ташкил қилди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида «прописка» тизими тубдан ислоҳ қилинишини кўплаб юрдошларимиз ниҳоятда интиқлик ва орзиқиш билан кутгани рост. Биргина шу тизимдаги ислохотлар ўз давлатимизда эмин-эркин ҳаракатланишимиз, яшаш ва ишлаш жойимизни ихтиёрий танлашимиз мумкинлиги баробарида, конституциявий ҳуқуқларимиз оғишмай таъминланишини ҳам кафолатлаб берди.

Аҳоли мурожаатлари асосида йўлга қўйилган яна бир механизм туфайли сўнгги беш йилда 11 минг 70 нафардан зиёд уй-жойсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлиги бор шахслар, Меҳрибонлик уйлари битирувчилари, оғир аҳволдаги хотин-қизлар имтиёзли кредит ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида уй-жой ҳамда доимий иш билан таъминлангани инсон қадрини юксалтиришга қаратилган юксак эътибор, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларига кўрсатилган чексиз меҳр-ғамхўрликнинг олий намунаси.

Президент виртуал қабулхонасида ҳар куни ҳар бир масала шу мурожаат эгасининг розилик-миннатдорлик хати асосида назоратдан ечилади. Шу маънода бугунга қадар қаноатлантирилган 3 миллион 288 мингдан ортиқ мурожаат замирида муаммоси ҳал бўлган шунча одамнинг ҳаётдан, давлатдан розилиги мужассамдир.

Албатта, ҳаёт шиддати, ўзгараётган давр талаби, давлатимиз раҳбари белгилаб берган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси халқ билан мулоқотнинг янги-янги уфқларини белгиламоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг янги даври асосини ташкил қилаётган «Инсон – жамият – давлат» тамойили бутун Президент Халқ қабулхоналари фаолияти учун ҳам дастуриламалга айлангани ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга, ҳар бир оиллага кириб бориш, ҳар бир инсон қалбига йўл топишга хизмат қилмоқда. Халқ қабулхоналари халқ овозини ифода этадиган жамоатчилик назоратининг ўзагига, халқ назорати механизмига айланмоқда. Одамлар розилигини эса фақат ва фақат амалий ишлар билан қозониш мумкин.

### МАҲАЛЛА ЯНГИЛИКЛАРИ

## «Муаммолар «хонадонбай» ҳал этилмоқда»

Бугунги кун маҳалла раиси ижрочи эмас, ислохотчи бўлиши талаб этилади. Яъни замон билан ҳамқадам тарзда ўз билим ва малакасини доимий ошириб бориш ҳақида ўйлаш, «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонларини ҳаётга тағбиқ этиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш чораларини кўриши даркор. Шундагина халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улғувор мақсадга эришилади.

**Халима Жўраева, Наманган туманидаги «Эшобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Мана шу талабдан келиб чиқиб, биз ҳам маҳалламизда аҳолининг эҳтиёж-манд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киририлган юрдошларимиз муаммоларини «хонадонбай» ҳал этишга алоҳида эътибор беряпмиз.

Маҳаллаимиз Наманган шаҳри ва Наманган туманига туташ чегарада жойлашган бўлиб, 654 та хонадонда 4 минг 587 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Маҳалла раиси сифатида 4 йилдан бери ишлайман. Илк фаолиятимни бошлаган кезларда жуда кўп ижтимоий муаммолар бор эди. Ачинарлиси, халқ муаммосига ечим топишга масъул органнинг ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб, маҳалла биноси йўқ эди. Ишни, аввало, мана шу масалани ечишдан бошлаганимиз. Туман ҳокимлиги, сектор раҳбарига қилинган ёзма мурожаатларимиз ижобий ҳал этилиб, маҳалла биноси учун ер майдони ажратиб берилди. Масъул идоралар, ҳомийлар ва аҳоли кўмагида замонавий идорага эга бўлди.

Улуғвор кўчасида 1200 метр йул таъмирталаб эди. Яна 2 та кўчада электр таъминоти яши эмасди. Маҳаллий бюджет маблағи ва аҳоли кўмагида 3 та кўчамизга янги трансформатор ўрнатилди. 1 та кам таъминланган оиллага 2 хонали уй қуриб берилди. Улуғвор-1 кўчасидаги 1200 метр масофага тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. «Темир дафтар»даги 25 нафар аҳолининг барчаси моддий-маънавий ёрдам олди. Мисол учун, Онахон Жўраевага 2 бош қўй, 50 дона жўжа, 10 та товук берилди ҳамда имтиёзли кредит асосида иссиқхона қурилди.

Маҳалламизда 2020-2021 йиллар давомида 3 та хусусий МТМ, мини-футбол майдони, 3 та хусусий шифохона, 5 та чевар-

Маҳалла раиси сифатида 4 йилдан бери ишлайман. Илк фаолиятимни бошлаган кезларда жуда кўп ижтимоий муаммолар бор эди. Ачинарлиси, халқ муаммосига ечим топишга масъул органнинг ўзи ёрдамга муҳтож эди.



хона ишга туширилди. Қорасув-1 ҳамда Улуғвор-2 кўчалари оқова сув тармоғига уланди. Барча кўчамизда тунги чироқлар ўрнатилди, йулар шағалланди. Қорасув-3 кўчасидаги ичимлик сув тармоғи янги-ланмоқда. Маҳалламиз сабзавотчиликка ихтисослаштирилган. Деярли ҳар бир хонадонда турли кўчатлар етиштирилади. Шунингдек, 100 дан ортиқ ёғочни қайта ишлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Эътиборлиси, уларнинг ҳар бирида 3 тадан ёшлар иш билан банд бўлган.

Бунда бизга сектор раҳбарининг кўмаги ҳам катта бўлмоқда. 3-сектор раҳбари томонидан Улуғвор кўчамизга ичимлик сув тармоғи тортилди. Шағаллаш ишлари олиб борилди.

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчилари фаолият бошлагани ишимизни анча энгиллади. 2022 йилнинг ўтган вақтида улар томонидан аҳоли шароитлари ўрганиб чиқилди ва 88 нафар хонадонга кумак бериш лозимлиги белгилаб олинди. Натижада бугунгача 54 нафар ишсиз фуқарога 10 сотихдан 10 йилга фойдаланиш учун ер ажратилди.

Айни пайтда маҳалламизнинг энг катта муаммоси – кўчаларни асфальтлаш ҳамда табиий газ тармоғига уланиш ҳисобланади. Шунингдек, давлат МТТга эҳтиёж бор. Сабаби, маҳалламизда 500 нафардан ортиқ мактабгача таълим ёшидаги болалар бўлса, шундан атига 75 нафари қамраб олинган.

## «Ўзбакон»да уйма-уй юрилди

Бухоро вилояти Вобкент тумани Халқ қабулхонаси томонидан аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганилмоқда.

Жумладан, куни кеча туман Халқ қабулхонаси мудир, туман ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари ва бошқа мутасаддилар ҳамкорликда «Ўзбакон» маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, уйма-уй юриб, ҳоким ёрдамчиси томонидан амалга оширилётган ишларни, аҳоли муаммоларини ўрганди.

Мутасаддилар маҳалла ҳудудидаги мавжуд муаммолар ҳамда фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожаатларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоратadbirlar белгилаб олишди.

Ҳоким ёрдамчисига маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва бошқа масалалар юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, ўрганишларда аҳолига мавжуд муаммоларни ечиш юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Ёшлар етакчисининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда белгиланган.

Дехқончилик, чорвачилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари маҳалланинг «ўсиш нуқтаси» сифатида белгилаб олинган.

# ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТ

MOYNAQ AEROPORTI



Янги Ўзбекистон даврида ишни энг қуёи бўғинда йўлга қўйиш, республика, вилоят даражасидаги раҳбар ва фаолларнинг олис маҳаллаларда бўлиши яхши самара берапти. Бунинг натижасида мамлакат тараққиёти пойдевори ҳисобланган маҳаллалар ҳаётнинг, ўзгариш ва ислохотларнинг энг қайноқ нуқтасига айланмоқда. Қувонарлиси, маҳалла институти зиммасига юкланаётган бир-биридан муҳим вазифаларга мос равишда кенг ҳуқуқ ва ваколатлар, зарур моддий-техник имкониятлар яратиб берилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ёшлар билан ишлашнинг янги босқичи бўлган тизимлари жорий этилди. Улар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилиб, ёшлар муаммолари бевосита маҳаллаларда ҳал этилмоқда. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлиги янада оширилди.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларни эргаштира оладиган, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар ёшлар етакчиси лавозимига тайинланди.

## ИРОДАХОН ТАШАБУСИ

**Нурафшон шаҳридаги «Янгибод» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Иродахон Холбаева** ана шундай ёшлардан бири. Иродахон қисқа фаолияти давомида бир қатор ташаббусларни амалга оширди. У маҳалла ҳудудидаги фаолияти тўқатилган эски 48-мактаб биносида тасқон-до, бадий гимнастика, стол тенниси, ўзбек жанг санъати спорт тўғрисидаги таълим ташкил этди. Айтилган бу ерда янгибодлик ёшлардан ташқари, қўшни маҳалла ёшлари ҳам спорт билан шуғулланишмоқда.

— **Ушбу мактабнинг қолган биналаридан ҳам самарали фойдаланиш учун ишсиз ёшларни касбга ўқитишни режалаштирилди, — дейди ёшлар етакчиси Иродахон Холбаева.** — Бу масалада Бандликка кўмаклашиш марказига ўз режаларини маълум қилганман. Аввало, ишсиз ёшларни иш ўрни мавжуд бўлган пайвандлаш касби бўйича ўқитмоқчимиз. Айтилган 19 нафар ишсиз ёш оила бекалари чеварчилик, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия йўналишлари бўйича ўқитилмоқда. Маҳалламиз янги бўлгани учун ҳудудимиз, асосан, янги кўп қаватли уйлardan иборат. Шу боис кўп қаватли уйлarning ертўла қисмларидан ҳам самарали фойдаланиб, ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш учун тикувчилик цехларини ташкил этмоқчимиз. Бу борада илк қадамлар ташланди. Бандликка кўмаклашиш маркази буюртмачи корхоналарни топшида кўмаклашса бас, ишсиз чеварчилик касби касаначилик асосида ишни бошлашди.

Бевосита ёшлар етакчисининг ташаббуси билан маҳалладаги 2-гуруҳ ногирони, 3 та фарзанднинг ота-онаси

Хусан Қодиров ва унинг турмуш ўртоғига компьютер хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилди, зарур асбоб-ускуналар олиб берилди. Дойимий даромадга эга бўлган ушбу оила кўшимча равишда маҳалла ёшларини ҳам компьютер саводхонлиги бўйича ўқитмоқда.

Иродахоннинг мақсадлари катта. Улардан бири маҳаллада адабиётга қизиқадиган, ижодкор ёшлар учун «Ижод уйи» ташкил этишдир. Шу орқали китобхон ёшлар сонини янада кўпайтиришни кўзламоқда. Самарасиз ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ўрнига 18-30 ёшгача бўлган ишсиз ёшларни Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари бошчилигида бўш иш ўринлари мавжуд корхона-ташкилотларга олиб бориб, янги иш ўринлари билан таништириш ниятида. Шунингдек, у корхоналарда ҳар ойнинг икки кунини «Ишсиз ёшлар билан ишлаш кўни» деб эълон қилиш орқали бандлиги таъминланмаган йигит-қизларнинг камайишига эришмоқчи.

## БЎЗАТОВЛИК БЕКПҮЛАТ

**Мўйноқ тумани Бўзатовлик фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Бекпўлат Жексенбаев** эса ёшларни спорт билан бирга, илм олишга ундамоқда. Маҳалла мактаби ёшлар билан доим гавжум. Бу ерда «Чевар кўллари», мусиқа, рақсомчилик, кураш, стол тенниси, волейбол, баскетбол тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Ҳар ҳафтанинг сешанба кўни «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилади. Ҳар ой якунида энг фаол, ғолиб жамоа муносиб тақдирланади.

— **Туманимиз мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан бири, — дейди ёшлар етакчиси Бекпўлат Жексенбаев.** — Энг яқин шаҳар — Қўнғиротгача 100, Қорақалпоғистон маркази — Нукусгача 200 километр масофа бор. Шу боис мўйноқликларнинг ҳаёти, шароитларига даъватимиз раҳбарининг эътибори бошқача. Бу ҳудудни ривожлантириш бўйича манзилли дастурлар амалга оширилиб, катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Президентимизнинг жорий йил бошида Мўйноққа учинчи марта таширифи давомида яна бир янгилик — Оролбўйини биргаликда ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси туманлари муайян вилоятларга, Мўйноқ тумани эса Тошкент вилоятига бириктирилган эди. Ушундан маҳалламизда спорт саройи, хусусан, баскетбол, футбол, волейбол, стрит-

бол майдончалари ҳамда ҳаммом қуриш тақлифини билдирганим. Айтилган тақдирда стритбол майдончаси қурилади. Қолган тақлиф-лояҳаларимиз ҳам апрель ойида якунлини режалаштирилган.

## ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси ўзига бириктирилган маҳаллаларда, асосан, олтига йўналишда фаолият олиб боришга таянади. Хусусан, **маданият ва санъатни тарғиб қилиш** борасида — «Санъат гунчалари» кўрик-танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича «Ёшлар овози», «Ёш мусаввирлар» танловлари ҳамда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёт фестивалини ўтказди. Шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этади.

**Соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш** борасида — минни-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этади. Саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда «Ёш эколог» акциясини ҳам ўтказди. **Ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш** борасида — «Бир миллион дастурчи», «Дастурлашга биринчи қадам» лойиҳаларини амалга оширади ҳамда киберспорт чемпионати ва «Ахборот технологиялари билимдони» танловини ташкиллади.

**Маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш** борасида — «Заковат» мусобақаси, «Қувноқлар ва зукколар», «Зукко китобхон», «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила», «Хорижий тиллар билимдони» ва «Ёш полиглот» танловлари ҳамда «Мунозара» интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ўтказди.

**Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш** борасида — «Ёш чегарачи», «Ёш кутқарувчи», «Қувноқ стартлар», «Темурбеклар», «Тумарис маликалари», «Шунқорлар», «Ёш ҳуқуқшунос», «Ёш

сайловчи», «Ёш депутат» танловлари ҳамда «Мен ҳам аскар бўламан» акциялари ва харбий қисмларга саёхатлар уюштилади.

**Тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш** борасида — «Ўзбекистон учун 100 ғоя» ва «Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори» танловлари, «Бизнесга биринчи қадам» грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилади.

Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада «Бир нурунийга ўн нафар ёш», «Кекса авлод учрашувлари» лойиҳалари амалга оширилади. Шунингдек, ҳар чоракда ҳудудлар кесимида каммида бир маротаба ҳаваскор ёшлар орасида мусобақалар ўтказилиб, унда ижобий натижаларга эришган ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиши ва профессионал спортчи бўлиб етишиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

## РАҒБАТ ҲАМ ИШГА ЯРАША

Ёшлар етакчисининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда белгиланган. Хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдоридан; хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада 5,5 баравари, хонадонлар сони 1000

тадан ортиқ бўлса, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари тўланади.

Агар бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган ёшлар етакчиси бўлса, уларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қўланади. Йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган ёшларга асосан **ипотека кредити берилганда сотиб олинган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдоридан субсидия берилди.**

Шунингдек, ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган энг илғор 100 нафар ёшлар билан **бир ойлик иш ҳақига тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.** Фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ёшлар билан **«Янги Ўзбекистон ислохотчиси»** кўкрак нишони билан тақдирланади.

**Энг муҳими,** улар «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига уланган, масофадан туриб хисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминланди.

Албатта, юқоридаги тадбирларни ёшлар етакчисининг бир ўзи ўтказиши имконсиз. Шу боис уларга Маданият вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам кўрсатиши белгиланган. **Эътиборлиси,** мазкур ҳужжат орқали маҳалла ёшларининг маънавий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ҳал этиш билан бирга, уларнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш имкони бор. Фақат ёшлар етакчиларида билим ва ташаббус бўлса бас.

Рустам ЮСУПОВ.

## МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

# «Дафтардаги оилаларга дарахт экиб берилди»

Овулимиздаги томорқа ер эгалари узум етиштириш ва томорқадан самарали фойдаланишда катта тажрибага эга. Аҳолининг асосий даромади ҳам шулардан. Шу боис ҳудудда узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



**Мадамин РАҲМОНОВ,**  
Эллиқалъа туманидаги  
Қирққизобод овул фуқаролар  
йиғини раиси.

«Яшил макон» умумийлик доражасида аҳоли хонадонларида 12 000 туپ узум, 6 800 туپ олма, 6 500 туپ ўрик, 1 600 туپ гилос ва 34 000 тулпа яқин манзарали кўчатлар экилди. Овулда 44 та кам таъминланган ва «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд оилаларга сектор раҳбари ва ҳомийлар ёрдамида 2100 туپ мевали ва манзарали дарахтлар экиб берилди.

Дехқончилик, чорвачилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари маҳалланинг «ўсиш нуқтаси» сифатида белгилаб олинган. Ҳозирги кунда маҳалланинг «ўсиш нуқтаси»дан келиб чиққан ҳолда имтиёзли кредитлар ажратилиб, янги иш ўринлари яратилди. Ҳоким ёрдамчи-

си билан биргаликда 4 та хонадон-лояҳаси доирасида аҳоли хонадонларида 12 000 туپ узум, 6 800 туپ олма, 6 500 туپ ўрик, 1 600 туп гилос ва 34 000 тулпа яқин манзарали кўчатлар экилди. Овулда 44 та кам таъминланган ва «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд оилаларга сектор раҳбари ва ҳомийлар ёрдамида 2100 туп мевали ва манзарали дарахтлар экиб берилди.

Худудимизда жорий йил ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳам қизгин давом этмоқда. 16 км. ички йўللarga сектор раҳбари ва ҳомийлар кўмагида шебен ётқизибли, тексланди. Электр таъминоти ҳам яхшиланмоқда. Маҳаллага янгидан 2 та трансформатор ўрнатилиб, аҳоли ва тадбиркорларнинг оғири енгиллашди.

Қувонарлиси, овулимизда 100 ўринли «Қирққиз гунчалари» давлат хусусий шерикчилик асосида қурилган мактабга таълим ташкилоти болажонлар билан бирга, ота-оналарга ҳам катта хурсандчилик бағишлади. Боғчамизда рус тили, инглиз тили, мусиқа ва тасвирий санъат ҳамда жисмоний тарбия тўғрисидаги фаолиятни йўлга қўйилган. Энг муҳими, барча қўлайликларга эга бўлган ушбу таълим ташкилотидан 20 нафар маҳалла аҳолиси ҳам доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла институтидан ҳам янги давр бошланди. Бунинг учун биз, маҳалла фаолларидан эса фидойилик билан ишлаш талаб этилади, холос.

413 та маҳалланинг қиёфасини тубдан янгилаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли мутахассислари бизга қанот бўлиб, оғиримизни енгил қиляпти.

## ОДАМЛАРНИ ҲАРАКАТГА ЧОРЛАГАН, ХАЛҚИМИЗНИ УЙҒОТГАН ТАШАББУС

Рустам ЮСУПОВ.

Ён-атроф обод, уй-жойлар шинам, йўллар раvon бўлса, бу одамларнинг кайфиятига ҳам таъсир этмай қолмайди. Қуркамлик улар руҳиятини ўзгартириб, янги гоъялар, эзгу мақсадлар уйғонишига туртки беради, ислохотларга дахлдорлик хиссини оширади. Кимдадир янги хунар эгаллаш, тадбиркорлик қилишга, яна кимдадир янада яхши яшашга иштиёқ туғилади ва бу интилишлар натижалари секин-аста амалда бўй курсатади.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларида ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги «2022-2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам халқимиз турмуш шароитини яхшилашга, фаровонлигини оширишга ва бандлигини таъминлашга, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаратилгани билан долзарб ва аҳамиятлидир.

Эътиборлиси, мазкур қарор асосида 2022 йилнинг ўзида республика миқёсида 413 та маҳалланинг қиёфасини тубдан янгилаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Мазкур дастурлар доирасида ҳар бир маҳаллада ҳудудий ишчи гуруҳлари тузилиб, хонадонма-хонадон юриб, суҳбатлар ўтказилиб ва аҳолини қийнаётган муаммолар аниқланди. Урганишлар натижалари бўйича белгиланган қишлоқ ва маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, қурилиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда аҳолига қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди.

Айни пайтда дастурлар доирасида энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий инфратузилма ва иншоотлар бунёд этилмоқда. Бунда ҳар ким ўзи яшайдиган уй, маҳалла ва қишлоқни ободонлаштиришда хиссасини қўшса, юртимиз янада обод бўлади, обод юртда яшайдиган одамлар кайфияти яхши бўлиши таъминланади, деган қараш устувор аҳамият касб этаётир.

### АНДИЖОНДА 32 ТА МАҲАЛЛА ОБОД МАНЗИЛГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Жорий йил Андижон вилоятида ҳам мазкур дастурлар доирасида 32 та маҳаллада қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Жумладан, Андижон туманидаги «Саддатаги» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ишлар қизгин кетяпти. Дастур доирасида маҳаллада ҳаммом, гузаллик салони, дорихона қурилади. Айни пайтда «Samo» текстиль корхонасининг 5 қаватли тикувчилик цехи қурилиши якунланмоқда. Апрель ойида ишга туширилиши режалаштирилган ушбу цехда 2000 та иш ўрни яратилади.

— Шу кунга қадар 4 км. асосий йўл асфальтланиб, 14 та ички кўчамизнинг 400 метри бетон қилинди. Қолган кўчаларда ҳам ишлар давом этапти, — дейди «Саддатаги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшанбек Маҳмудов. — 100 та темир-бетон устундан 76 таси ўрнатиб бўлинди. Режадаги 13 км. ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари ҳам бошланди. Эски маҳалламиз идораси ўрнида давлат-хусусий шерикчилик асосида 100 ўринли боғча қурилмоқда. Маҳалла идораси эса маҳалла гузаридида иш бошлайди. Шу боис гузаримиз қайта таъмирланиб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, 6 та кам таъминланган ошларнинг таъмир-талаб уйлари таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. 3 та оиланинг хонадонни бузилиб, қайтадан қуриб берилмоқда.

Ушбу маҳаллада дастур доирасида аҳолининг хоҳиш ва истаклари асосида 120 та хонадонда иссиқхона қуриб берилди. Ҳозирда уларнинг 60 фойизи ишга туширилиб, турли сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

### ФАКТ:

Сўнгги уч йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 1500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди, шунингдек, уларда истиқомат қиляётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, режадаги 50 та хонадондан 30 тасига товук катаклари берилди. Тез орада товуклари ҳам ўз эгаларига тарқатилади. 57 та аҳолига эса 10 сотихдан ер майдонлари ижарага берилди. Чорва билан шугулланиш истагида бўлган 10 та оилага қорамол олишга кўмаклашилди.

Бугун саддатагиликлар ҳар қачонгидан хурсанд. Негаки, маҳалласида, кўчасида, хонадонидида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларга ўзлари ҳам қараб турмасдан, ҳашарлар уюштириб, қўлларидан келганича кўмаклашишмоқда.

### ОБОД МАНЗИЛЛАР ЯНА БИТТАГА ОРТАДИ

«2022-2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра, Бухоро вилоятида 5 йил давомида 136 та, 2022 йилда эса 26 та маҳалла обод манзилга айланади.

Жорий йил ана шу 26 та маҳаллалар орасида Когон шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам «Обод маҳалла» дастуридан ўрин олган. Айни пайтда маҳалла ҳудудида иш қизгин. Қизилгул, Курак, Миёнкул, Эшматлар, Аллаберди, Жалоир, Наврўз қишлоқларининг ички кўчалари 70 фойиз шағаллаштирилди.

— Маҳалламизнинг «Обод маҳалла» дастурига туширилиши катта янгиллик бўлди. Чунки ички йўл, ичимлик сув, электр энергия каби бир қатор муаммолар йиғилиб қолганди, — дейди «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар

йиғини раиси Нигора Ҳамроева. — Шу вақтга қадар маҳалламизда ичимлик сув тармоғи йўқ эди. Аҳоли пул тўлаб, махсус машиналарда олиб келиб истеъмол қилишарди. Энди дастур тўлиқ амалга оширилса, бари ўтмишида қолади. Негаки, маҳалламизга ичимлик сув тармоғи тортилмоқда. Ҳозирда Қизилгул қишлоғимизга тўлиқ тортилди. Эски трансформаторлар янгигоҳга алмаштирилиб, 40 та темир-бетон устунлар ўрнатилди. Шунингдек, кўча чироқлари ҳам тортилмоқда. Шу кунга қадар дастурдаги 7 километрнинг 530 метрига асфальт ётқизилди. Қувонарлиси, маҳалла идораси янгидан қурилмоқда. Режада мактаб ошхонаси, маънавият хонаси қурилиши белгиланган. Яна сутни қайта ишлаш ва тикувчилик цехи ҳамда спорт майдончаси қуришни ҳам режа қилганмиз. Айни пайтда ишсиз аҳолига ер майдонлари аукцион орқали ижарага ажратиб берилмоқда.

Мана шундай кенг қамровли комплекс ёндашув «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларининг дунёда ўхшаши йўқ, ноёб ва янги тизим дейиш учун етарли асосдир. Қувонарлиси, ушбу хайрли ишларнинг барчаси аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва улар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда маҳалла ва қишлоқларнинг обод бўлишига қаратилган. Дарҳақиқат, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари олис қир бағридаги уйда ҳам замонавий турмуш шароитини яратмоқда. Бундан руҳланган каттаю кичик бунёдкорлик ишларига ўз хиссасини қўшиш учун ҳашарга отланишган. Улар ўз хонадонни, қишлоғи кўркамлигича учун ҳаракат қиляпти. Одамларни ҳаракатга чорлаган, халқимизни уйғотган ташаббусдан барча юртдошларимиз мамнун. Энг муҳими, ушбу дастурлар доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар одамларнинг турмуш тарзини ўзгартириб, бугундан завқланиб яшаш, эртанги кунга ишонч хиссини юксалтираётир.

### МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

## «Ҳар бир масалада ҳамфикр ва ҳаммаслакмиз»

Маҳалламиз азалдан саноатчилар ҳудуди ҳисобланади. Айни пайтда эса тикувчилик корхоналари, боғдорчилик — маҳалламизнинг асосий «драйвери»га айланган.



Сайдали ИКРОМОВ, Хўжаобод туманидаги «Саноатчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Samo», «Zamin», «Granit», «Al-hakim», «Bek» каби бешта текстиль корхоналаримизнинг ҳар бирида 2-2,5 минг аҳоли меҳнат

қилмоқда. Шу боис маҳалламизда ишсизлар йўқ ҳисоби. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечак маҳсулотлари нафақат ички

бозорларимизга, балки чет элга ҳам экспорт қилинмоқда.

Узум, анор, шафтоли, олма, ўрик меваларига ихтисослаштирилган 22 та боғдорчилик фермер хўжалиқларимиз ҳам бор. Улар ҳам маҳсулотларини маҳаллий бозорлардан ташқари, экспортга йўналтирмоқда. Мевали дарахтлар ҳар бир хонадонда бор. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида томорқа ер эгаларига 2000 та мевали дарахт кўчатлари тарқатилиб, ховлиларига экилди. Гузалдйёр кўчамизга 400 туپ арча кўчатини ўтказдик.

Қувонарлиси, Президентимиз ташаббуслари билан жорий этилган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли мутахассислари бизга қанот бўлиб, оғиримизни енгил қиляпти. Энди ҳар бир масалада ҳамфикр бўлиб, кўш қанот бўлиб ишляпмиз.

Яқинда деҳқончилик билан шугулланиш истагини билдирган етти нафар ёшга ижара асосида 10 сотихдан ер майдони ажратиб берилди. Суғориш сувидан бироз муаммо бўлгани учун улар нўхат ва картошка экишди. Ҳоким ёрдамчиси Жаҳонгир Қо

Президентимиз ташаббуслари билан жорий этилган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли мутахассислари бизга қанот бўлиб, оғиримизни енгил қиляпти. Энди ҳар бир масалада ҳамфикр бўлиб, кўш қанот бўлиб ишляпмиз.

симов ташаббуси билан аҳолига кредит асосида туҳум беришга мўлжалланган товуклар берилмоқда. Кўшимчасига 25 кунлик озуқаси ҳам бор.

Ёшлар етакчиси Қобилжон Фозилов ҳам етакчиликни қўлга олиб, ёшлар билан доимий мулоқотда. Ҳозирда ҳудудимиздаги

14-мактабда бокс, кураш, белбоғли кураш, волейбол тўғараклари ташкил этилган бўлиб, уларда маҳалламиз ўғил-қизлари ўзлари қизиққан спорт бўйича шугулланишмоқда. «Динама» спорт стадионидаги кураш, кўл кураши, мини футбол тўғараклари ҳам ёшлар билан гавжум.

Маънавият марказимизда рақс, кўшиқ тўғараклари ташкил этилган. Китобхонлар учун алоҳида кутубхонамиз ҳам бор. Китобхонлар сафини оширишда ушбу кутубхонанинг ўрни алоҳида бўляпти.

Бундан ташқари, томорқасида кўшимча равишда иссиқхона, чорвачилик билан шугулланаётган аҳолимиз сони ҳам кўпаймоқда. Маҳалламизда қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам қизгин кетмоқда. Ичимлик сувдан муаммо йўқ, хонадонларга 100 фойиз қувурлар тортилган. Ички кўчаларимиз ҳам шағаллаштирилиб, асфальтлашга тайёрланди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламизда иш қизгин. Барча хайрли ишлар аҳоли фаровонлигини яхшилашга қаратилган.

# МАҲАЛЛА ТИББИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА БЎЛАДИ

Улуғбек ИБОДИНОВ.

Тан олиб айтиш керакки, кейинги олти йил мобайнида тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар бир лаҳза бўлса-да тухтагани йўқ. Буни ҳар бир фуқаро ўз ҳаётидаги ўзгаришларда сезиб, билиб турибди. Шунга қарамай, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Буни ҳеч ким инкор қилаётгани йўқ. Янги касалхоналарни қуриш, дунёнинг етакчи тиббий муассасалари билан ҳамкорлик, тажриба алмашишни кучайтириш, тизимда ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлаш, тиббиётнинг ҳокимликлар, маҳалла, таълим муассасалари билан алоқаларини ривожлантириш каби соҳаларда камчиликлар мавжуд. Чекка худудлардаги юқори малакали тиббий хизматга муҳтож фуқароларга зарур шароитларни яратиш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.



## ЯНГИ БОСҚИЧДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ?

Президентимиз раислигида 28 март куни бўлиб ўтган соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам юқоридаги масалалар кўриб чиқилди.

Мазлумки, аввалроқ – 18 март куни давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказган эди. Унда айтилган муаммо ва тақлифлар бўйича 24 март куни Президент фармойиши қабул қилиниб, етти та йўналишда вазифа ва масъуллар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида шу борда бошланган ишлар ва ойлик режалар кўриб чиқилди. Аввало, апрель ойида 1 миллион нафар хавф гуруҳига кирувчи аҳоли, 700 минг нафар бола ва 100 минг нафар ҳомилдор аёлларни мақсадли скринингдан ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Ҳар бир оилавий поликлиникада кундузги стационар, 400 та маҳаллада оилавий шифокорлик пункти, олис худудларда контейнерлардан 1 минг 700 та тиббиёт пункти ташкил этишнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

– Йиғилиш тўғрисидаги кўрсатувчи диққат билан кўзатиб бордим, – дейди Қизилтепа туманидаги «Ғамўр»

маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Отамурод Турсунов**. – Зеро, унда нафақат тиббиёт тизими ходимлари, балки биз раислар учун ҳам муҳим масалалар кўриб чиқилди. Масалан, «маҳаллабай» тизимда ишлаб, сифатли тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, одамларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Тўғри оқватланиш, жисмоний машқлар, касалликлар профилактикаси бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш, оилаларга тарқатиш муҳимлиги қайд этилди. Бу каби вазифаларни амалга оширишда маҳаллаларнинг алоҳида ўрни борлиги тайин. Гапнинг дангалини айтганда, маҳаллаларсиз юқоридагиларни бажариб бўлмайди.

Яна бир гап. Халқимизда: «Касални даволагандан кўра, олдини олган афзал», деган гап юради. Буни бироз замонавийлаштирсак: «Бугунги кунда касални даволагандан кўра, олдини олган арзон тушади». Албатта, бу билан ҳар бир ҳодисани пулга боғламоқчи эмасмиз. Бугунги сиёсатимизнинг асосий тамойили – одамларнинг ҳаёти ва соғлиги ҳар нарсадан қадри эканини уқтиради. Аммо ўзингиз уйлаб кўринг. Битта жиддийроқ касали бор оила қанча қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу эса хонадонлардаги тинчлик-то-

тувлик ва тўқинликка салбий таъсир этмай қолмайди. Демак, аҳолининг саломатлигини асраш, Президентимизнинг юқоридаги ташаббусларини кенг жорий этиш маҳалла раисларининг ҳам бевосита вазифасидир.

## ОЛИС МАҲАЛЛАЛАРДА ТИББИЁТ БРИГАДАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимиз тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, олис худудларда қўшимча бригадалар тузиш, бу тизимдаги анестезиолог ва реаниматологлар ойлик иш ҳақиға устама бериш бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратди. Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджетдан 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилганини таъкидлаб ўтди. Мутасаддиларга қурилиш ишларини жадаллаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берди.

– Мазкур ҳаракатлар, айниқса, биз каби чекка маҳаллаларда жуда зарур эканига шубҳа йўқ, – дейди **Нурота туманидаги «Сувлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шўхрат Яхудаев**. – Маҳалламиз туман марказидан 70 километр узокликда жойлашган. Шу

Президентимиз тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, олис худудларда қўшимча бригадалар тузиш, бу тизимдаги анестезиолог ва реаниматологлар ойлик иш ҳақиға устама бериш бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратди.

пайтгача энг яқин Тез тиббий ёрдам пунктидан чиққан машина худудимизга келгунча тоғли йўл бўйлаб 30 километрни босиб ўтиши керак эди. Утган йили қишлоқ врачлик пунктимиз оилавий поликлиникага айлантирилиб, янги тез тиббий ёрдам автомашинаси берилган. Жорий баҳорда поликлиника-миз тўлиқ замонавий жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Аммо айрим иошилинч жарроҳлик амалиётлари, муолажаларни амалга ошириш учун қўшимча махсус бригада-

ларни зарурлиги турган гап. Президентимизнинг юқоридаги ташаббуси биз каби маҳаллалар учун айни мuddаодир.

## ИЛИК ҚЎЧИРИШ ЎТКАЗИШ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари янги, юқори технологик даволаш усулларини йўлга қўйиши зарурлиги аввал мутахассислар томонидан бир неча бор айтилган эди. Мисол учун, ҳар йили «оққон» касаллиги бўйича 200 нафаргача бемор илик кўчириш операциясига муҳтож. Президентимиз Гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт марказида замонавий шароит яратиш орқали ушбу амалиётни йўлга қўйиш мумкинлигини таъкидлади. Бундай ишларни барча тиббиёт марказларида ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичида давлат шифохоналари ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун ягона тарифларни тасдиқлаш, хусусий клиникаларда ҳам йўлланма асосида тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш ишлари амалга оширилади. Бу эса даволашни нархларига ижобий таъсир ўтказиши, айрим тиббиёт муассасаларига тушаётган босимларни камайтишига сабаб бўлиши тайин.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

## «Газета, журнал ва китоб ўқимайдиган одам раис бўлиши қийин...»

Маҳалламиз қадимдан тадбиркор ва деҳқонлар худуди бўлиб келган. Ота-боболаримиз зиғир усимлигини етиштириш, ундан ёғ олиб, Қўқон бозорларига етказиб бериш билан шуғулланишган. Бизда ишлаб чиқарилган зиғир ёғи ҳушбўйлиги билан ажралиб тургани боис савдогарлар Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Афғонистон ва Хитойгача олиб бориб сотишгани, маҳаллий музейларимизда 1900 йилларнинг бошида ҳам худудимизда 100 дан ортиқ мейжувозлар ишлагани тўғрисида маълумотлар бор.

Иzzатой ЯКУБОВА,  
Учкўприк туманидаги «Зиғир»  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Бугунги кунда худудимизда етти минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларимизнинг асосий даромади – трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат. Маҳалламизда юзга яқин якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатади. Улар ёстиқ, кўрпа-тушаклар сочиқлар, болалар кийимлари ва бошқа трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Қўқон шаҳридаги улғуржи бозорларга олиб бориб сотишади. Тадбиркорлик кенг ривожлангани

боис меҳнат миграцияси масаласида муаммоларимиз кам. Кейинги йилларда худудимизда кенг куламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 11 та трансформатор алмаштирилди. Ҳар бирининг нархи ўртача 50 миллион сўмдан ошади. Ишламай ётган битта сув минораси таъмирланди, иккита қудуқ қазилиб, уларга янги миноралар ўрнатилди. Натижанда худудимизда тоза ичимлик суви кириб бормаган хонадон қолмади. 6 километрдан ортиқ асосий йўлларимиз

Умрида битта газета, журнал, китоб ўқимаган одам маҳалла раиси бўла олмайди. Раиснинг асосий иши кўчаларни супуртиришдангина иборат эмас. У одамларни маърифатга чорламоғи керак.

асфальтлаштирилди. Қолган ички йўлларга шағал ётқизибли, асфальтлашга тайёрланган. Эски симеғочлар алмаштирилиб, кўчаларни ёритиш тизимлари ҳозирда таъмирланмоқда. Шу кунгача юздан ортиқ симеғоч бетонлисига алмаштирилиб, янги симлар тортилган. Тез орада қолганлари ҳам алмаштирилиши кутилмоқда. Хуллас, муаммоларимиз йўқ ҳисоб. **Тақлифим:** раисларнинг савиясини ошириш масаласида кўпроқ ишлаш керак. Бу, албатта, ҳаммани Тошкентга йиғиб, ортиқча

маблағ сарфлаб, семинар, тренинг ўтказиш дегани эмас. Уларга ўз устида ишлаш учун имконият яратиш лозим. Умрида битта газета, журнал, китоб ўқимаган, ахборотлар билан танишиб бормаган одам маҳаллага раислик қилиши қийин. Керакки жойда одамларни бошқариб, йўриғига юргазиб, мамлакатда, дунёда бўлаётган ишлар хусусида тўғри мулоҳазаларни айтишни ундамай олмайди. Раиснинг асосий иши кўчаларни супуртиришдангина иборат эмас. У одамларни маърифатга чорламоғи керак.